

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТАЪЛИМИ ЖАРАЁНИДА КАСБИЙ МАҲОРАТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Ахмедова Гулчехра Манноновна

А.Қодирий номидаги ЖДПИ, Технологик таълим кафедраси катта

ўқитувчиси

e-mail:agulchexra@jspi.uz

Аннотация. Мақолада ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий маҳоратни шакллантириш, тикувчилик корхоналарида меҳнат усулларининг ўрни ўрганилган.

Калит сўзлар: касбий маҳорат, ишлаб чиқариш таълими, касбий педагогик кўникма, меҳнат усуллари, меҳнат тақсимооти.

Аннотация. В данной статье исследуется роль методов работы на швейных предприятиях, формирование профессиональных навыков в процессе производственного обучения.

Ключевые слова: профессиональные навыки, производственное образование, профессиональные педагогические навыки, методы работы, разделение труда.

Annotation. In this article explores the role of work methods in sewing enterprises, the formation of professional skills in the process of industrial training

Keywords: professional skills, industrial education, professional pedagogical skills, methods of work, division of labor.

Касбий маҳоратни шакллантиришда ишлаб чиқариш таълими муҳим бўғин ҳисобланади. Шунинг учун уни ишлаб чиқаришнинг техник қуролланганлик тараққиёти даражасига ишчиларнинг тайёргарлик даражаси мос келадиган қилиб ташкил этиш керак.

Ишлаб чиқариш таълими жараёнида касбий педагогик кўникма ва малакалар тизими яратилади, улар танланган ҳунар соҳасида шакллантирилади. Ўқувчилар керакли ишлаб чиқариш тажрибасига, Касбий маҳоратга эга бўладилар. Шунинг учун ишлаб чиқариш таълими устаси ишлаб чиқариш жараёнининг, меҳнат фаолиятининг, ишчилар вазифаларининг тузилишини, мазмунини, характерини аниқ тасаввур этган бўлиши керак.

Меҳнат мазмуни меҳнатнинг ҳар қайси тури учун ўзига хос бўлиб, ишлаб чиқариш операцияларининг характери билан, инсоннинг маълум мақсадни белгилаб берадиган фаолияти билан меҳнат жараёнининг пировард натижаси билан аниқланади.

Кийимнинг ҳар-хил турлари тикувчиликдаги ишлаб чиқариш жараёни меҳнатининг пировард натижаси ҳисобланади.

Кийим тикиш жараёни икки йўналишда боради: кийимни маиший хизмат ательеларида якка тартибда тикиш ва тикувчилик саноати корхоналарида оммавий тарзда тикиш. Кийим тикиш жараёнида жиддий ўзгаришлар юз берди, бу ўзгариш игна, дазмол, қайчи, қўлда ва оёқда юритиладиган тикиш машиналари асосий асбоб ва ускуна бўлган майда устахоналар ва касаначилиқдан тортиб кийимларни йирик фабрикаларда тикишгача бўлган йўлни босиб ўтди.

Тикувчилик саноати ҳозирги вақтда бир тур кийим тикишга ихтисослашиш, шунингдек деталлар тикишга, маълум босқич ишларини бажаришга ихтисослашиш йўлидан ривожланмоқда.

Меҳнат жараёнлари одатда меҳнат операцияларига бўлинади.

Ҳар қайси меҳнат операцияси меҳнат қилиш усуллари ёрдамида бажарилиб, бу усулларни янада кичикроқ бирликларга – меҳнат амаллари ва ҳаракатларига бўлиш мумкин.

Меҳнат усуллари меҳнат жараёнининг элементи бўлиб, у мустақил мақсадга (масалан, детални машина тепкиси тагига қўйиш) эга.

Меҳнат амаллари – ҳаракатлар (детални олиш) йиғиндисидан иборат. Ҳар қайси меҳнат амали ҳаракатлардан ташкил топади.

Тикувчилик корхонасининг ишчилари, тикувчилари меҳнати жараёнида кийим яратилади.

Ишлаб чиқариш таълимининг мазмунини қуйидагилар белгилайди: тикувчилик корхоналарида тикиладиган буюмлар ассортиментига мувофиқ тузилган ишлаб чиқариш таълими дастурлари таъриф-малака маълумотномаси.

Тикувчилик буюмларининг муайян предметидан ихтисослашган, билим юртлари учун таянч корхоналар ҳисобланувчи тикувчилик корхоналари учун тавсия этиладиган асосий намуна ассортименти қуйидагилардан иборат, бу ассортимент ишлаб чиқариш таълими дастурига асос қилиб олинади.

Якка тартибда буюртма тикиш ательеларида ҳам тахминан шу ассортиментдаги кийимнинг қуйидаги турлари тикилади: эркаклар ва аёллар уст кийими, аёллар енгил кийими, аёллар эҳтиёжи учун кийимлар, спорт кийимлари, форма кийимлар.

Тикувчилик фабрикаларини якка тартибда буюртма тикиш бирлашган ательеларида ҳам меҳнат тақсимооти бор, лекин кийим ташкилий операциялари йирикроқ бўлган оммавий ишлаб чиқариш корхоналаридаги сингари тикилади. Ательедаги потокнинг қуввати оммавий ишлаб чиқариш корхоналаридагига нисбатан камроқ, шунинг учун бу ерда юқори унумли ускуналардан фойдаланиш имконияти камаяди. Якка тартибда ва оммавий тартибда кийим тикиш корхоналарида бир хил ускуналар ишлатилиши мумкин.

Якка тартибдаги ва оммавий ишлаб чиқаришдаги кийим тикишда меҳнатни ташкил этишнинг фарқи қиладиган томонлари кўп бўлса ҳам ускуналар ишлатишда, технологик операцияларни бажаришда ва иш усулларида умумийлик кўп.

Айрим операцияларни ажратиш олиш, гуруҳлаш, ва уларни ўрганиш учун тегишли вақт белгилаш имконини беради. Чунинчи, олдин қўл ишлари, кейин машина қўл ишлари, намлаб - иситиб ишлов бериш, елимлаш ишлари ва бошқа операцияларни ажратиш ўрганиш мумкин. Бу операцияларни кўникмалар бирдан бирига ўтиб бориши учун қулай кетма-кетликда ўрганса бўлади, масалан, қўл ишларида: деталларни солқисиз бириктириб кўклаш, букиб кўклаш, деталларни бир-бирига бостириб кўклаш ва ҳоказо.

Тикувчиларни тайёрлашда ўрганиш вақтидаги такрорлашни ҳисобга олишнинг катта аҳамияти бор. Масалан, «бириктириб кўклаш» операцияси кийим деталларида дастлабки машқ қилаётганда, шунингдек, кийимнинг ўзини тикишда такрорланади.

Операцияларни, ишларини ажратиш қараш, ҳар турли қилиб кўриш, такрорийлик. Бирга кўшиб кўриш ва гуруҳлаш тикувчиликдаги махсус ҳунарларни ўргатишда умуман ишлаб чиқариш таълимини операцион-комплекс тизимида ташкил этиш имконини беради.

Кийим тикишнинг турли ихтисослари юзасидан ишлаб чиқариш таълими малака таснифини ва дастурини таҳлил қилиш ўрганилаётган мавзунинг мазмунида ҳам умумий жойлари кўплигини кўрсатади.

Фойдаланган адабиётлар рўйхати

1. “Ишлаб чиқариш асослари” касб танлаш курси методикаси. Ўқитувчилар учун ўқув қўлланма С.У.Калюга, М.Л.Кондюрина, И.А.Поляков таҳрири остида-Т.: Ўқитувчи 1989-112б.
2. Янчевская Е.Л. “Аёллар уст кийимини конструкциялаш”. Тошкент.: “Ўқитувчи”. 1997й.
3. Панкратова В.А.Тикувчилик ишлаб чиқариш таълими асослари – Русча нашрдан таржима.-Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1997.-248 б.

4. Orishev, J. (2020). Материалшунослик. Конструкцион материллар материалшунослиги фанидан лаборатория–амалий машғулотларни ўтказишга доир услубий қўлланма. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
5. Orishev, J. (2021). ИННОВАЦИОН ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯСИДА ЛОЙИХАЛАШ МЕТОДИНИНГ ИМКОНИАТЛАРИ . *Физико-технологического образование, 4(4)*
6. Jamshid Orishev, Зухра Оришева, “METROLOGIK O'LCHOVLAR” MAVZUSINI O'QITISHDA NOSTANDART TESTLARDAN FOYDALANISH ,
7. Malohat Abdurahmonova, Jamshid Orishev, ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБИЙ ФАОЛИЯТГА ЙЎНАЛТИРИШНИНГ ПЕДАГОГИК ШАРТ-ШАРОИТЛАРИ , *Физико-технологического образование: Том 4 № 4 (2021)*
8. Jamshid Orishev, ТЕХНОЛОГИЯ ДАРСЛАРИДА ЛОЙИХАЛИ ТАЪЛИМДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ , *Физико-технологического образование: № 3 (2021)*
9. Муртозаев, М. З., Юсупов, К., & Рахматов, В. (2008, October). Системный подход к определению практической значимости учебной дисциплины. In *Образование через всю жизнь: непрерывное образование для устойчивого развития». Материалы VI Международной конференции. г. Минск (pp. 2-3).*
10. Муртозаев, М. З. (2016). Вопросы модернизации процесса подготовки высококвалифицированных учителей трудового обучения. *Молодой ученый, (24), 484-486.*
11. Mamatjonova, K., Murtazayev, M., & Gapparov, B. (2020). PAZANDACHILIK ASOSLARI. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
12. Murtazayev, M. Z., & Yo'ldashev, M. Q. (2020). TEXNOLOGIYA TALIMI DARSLARIDA O'QUVCHILARDA BILIM, KO'NIKMA VA MALAKALARNI SHAKLLANTIRISHNING AYRIM MASALALARI. *Научное знание современности, (4), 39-44.*
13. Ismailov T.J, Tagaev X, Kholmatov P.K, Yusupov K.Y, Alkarov K.Kh, Orishev Zh.B Karimov O.O. (2020). Cognitive-Psychological Diagram Of Processes Of Scientific And Technical Creativity Of Students. *International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3669-3677.*
14. Муртазаев, М. З., & Дониёрова, Ш. Э. (2020). УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШДА АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИ МИЛЛИЙЛИК АСОСИДА ТАШКИЛ ҚИЛИШ АСОСЛАРИ. *Научное знание современности, (3), 25-28.*

15. Mamajonova, K., & Mullaxmetov, R. (2020). Ta'lim muassasalarida ta'lim oluvchilarning ijodiy qobiliyatlarini qo'llab-quvvatlash va ularni rivojlantirish. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
16. Mamajonova, K. (2020). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДАГИ ТАЪЛИМ-ТАРБИЯ ТИЗИМИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ЗАРУРИЯТИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
17. Mamajonova, K. (2020). KASB-HUNARGA YO'NALTIRISH JARAYONIDA O'QUVCHILAR IJODKORLIK QOBILİYATINI SHAKLLANTIRISHDA SEMINAR-TRENINGLARDAN FOYDALANISH. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
18. Mamajonova, K. (2020). ЎҚУВЧИЛАРНИ КАСБ-ҲУНАРГА ЙЎНАЛТИРИШДА КОРХОНАЛАР БИЛАН ИЖТИМОЙ ҲАМКОРЛИК ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
19. Mamajonova, K., & Xolmatov, P. (2020). Kasb-hunarga yo'llash ishlarini tashkil qilishda darsdan tashqari mashg'ulotlar shakllari va mazmunini tanlashning tashkiliy-pedagogik mezonlari. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
20. Mamajonova, K. (2020). TEACHER-STUDENT RELATIONS IN THE ACQUISITION OF PRACTICAL WORK SKILLS BY STUDENTS. *Архив Научных Публикаций JSPI*.
21. Mamajonova, K. (2020). Олий таълим тизими фаолиятини мувофиқлаштиришнинг иқтисодий асослари. *Архив Научных Публикаций JSPI*.